

«

»

“Ўзстандарт” агентлигига қарашли

“Shtrihli kodlash markazi”

davlat korxonasining

Н И З О М И

Т о ш к е н т – 2009 йил

1 Умумий қоидалар

Мазкур Низом Яккасарой тумани Хокимияти томонидан 11-000584-сонли реестр рақами билан 13 декабр 2002 йилда рўйхатга олинган “Shtrihli kodlash markazi”, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 16.10.2006 йилдаги 215-сонли қарорига ва “Ўзстандарт” агентлигининг 19.04.2007 йилдаги 189-сонли бўйруғига асосан қайта ишлаб чиқилди.

1.1 Мазкур Устав Ўзбекистон Республикасининг "Стандартлаштириш тўғрисида", "Маҳсулотлар ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида" ги қонунлари ҳамда "Ўзстандарт" агентлиги ваколатига тааллукли бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ ишлаб чиқилган бўлиб "Ўзстандарт" агентлигининг штрихли кодлаш маркази (ШКМ) ни (бундан бўён - Марказ) асосий вазифалари, функциялари ва ваколатларини белгилайди.

Марказ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 3 октябрдаги 342-сонли қарори ва "Ўзстандарт" агентлигининг 2002 йил "15" ноябрдаги 52-сонли бўйруги асосида "Ўзстандарт" агентлигининг ва Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш илмий-тадқиқот институтининг балансидан Марказ балансига ўтказилиши билан 19506495 (ўн тўқиз миллион беш юз олти минг тўрт юз тўқсон беш) сўм Низом фонди ташкил этилди.

Марказ Низом фондининг - 100%, яъни 19506495 (ўн тўқиз миллион беш юз олти минг тўрт юз тўқсон беш) сўм қуидаги мол-мулк кўринишида киритилади:

1. Ўзстандарт Агентлиги балансидан фойдаланишга яроқли 17597040 (ўн етти миллион беш юз тўқсон етти минг қирқ) сўм қийматга эга штрихли кодлаш ускунаси;

2. Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш илмий-тадқиқот институти балансидан қуида келтирилган жадвал бўйича жами 1909455 (бир миллион тўқиз юз тўккиз минг тўрт юз эллик беш) сўм миқдоридаги техник воситалар ва ускуналар:

№ п/п	Мол-мулк номи	Марка	Ўлчаш бирлиги	Сони	Баланс киймати (сўм)
1.	Компьютер PENTIUM II	РП	дона	1 (бир)	450000 (тўрт юз эллик минг)
2.	Принтер лазерный Canon	LBP-810	дона	1 (бир)	446875 (тўрт юз қирқ олти минг саккиз юз етмиш беш)
3.	Принтер струйный HP DeskJet	HPDJ	дона	1 (бир)	220000 (икки юз йигирма минг)
4.	CD-ROM	Liteon	дона	1 (бир)	70000 (етмиш минг)
5.	Сканер лазерный	M 951	дона	1 (бир)	360000 (уч юз олтмиш минг)
6.	Сканер лазерный	LS-55	дона	1 (бир)	290000 (икки юз тўқсон минг)
7.	Шкаф книжный	-	дона	1 (бир)	1020 (бир минг йигирма)
8.	Шкаф книжный	-	дона	1 (бир)	900 (тўккиз юз)
9.	Стол кабинетного набора	-	дона	комплект	4020 (тўрт минг йигирма)

10.	Стулья	-	дона	10 (ўн)	181 (бир юз саксон бир)
11.	Кресло крутящееся	-	дона	1 (бир)	40000 (қирқ минг)
12.	Стол для заседания большой	-	дона	1 (бир)	1140 (бир минг бир юз қирқ)
13.	Стол для заседания маленький	-	дона	4 (тўрт)	4320 (тўрт минг уч юз йигирма)
14.	Стол аудиторный	-	дона	1 (бир)	228 (икки юз йигирма саккиз)
15.	Холодильник	Бирюса	дона	1 (бир)	6870 (олти минг саккиз юз етмиш)
16.	Сейф железный	-	дона	1 (бир)	83 (саксон уч)
17.	Этажерка	-	дона	2 (икки)	68 (олтмиш саккиз)
18.	Вентилятор	CROWN	дона	1 (бир)	13750 (ўн уч минг етти юз эллик)

1.2 Марказнинг Низом фондини кўпайтириш ва камайтириш тартиби қонунчилиқда белгиланган тартибда амалга оширилади.

1.3 Марказнинг мулкини тасарруф этиш қонунчилиқда кўрсатилган холларда давлат корхонасининг ижро этувчи органи томонидан муассис билан келишган холда амалга оширилади.

1.4 Марказ автоматик идентификатлаштириш ва штрихли кодлаш соҳасида илмий-техник ва ишлаб чиқариш маркази ҳисобланади.

1.5 Марказ ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига, "Ўзстандарт" агентлигининг буйруқлари ва фармойишларига ҳамда ушбу Уставга амал қиласди.

Марказ юридик шахс бўлиб, ўз – ўзини маблаг билан таъминлаш ва ҳужалик хисоби асосида ўз фаолиятини амалга ошириш, қонун ҳужжатларida кўзда тутилган корхона мулкдори, ижара ва мулкдорликнинг бошқа турларидаги ҳуқуқларидаги алоҳида мол-мулкига, мустақил балансига эга, мулкий ва мулкий бўлмаган ҳуқуқларга эга бўлади, ўз мажбуриятлари бўйича жавобгар бўлади, судда ёки ҳўжалик судида даъвогар ва жавобгар бўлиши, амалдаги қонун ҳужжатларига ва ушбу Уставга зид бўлмаган ҳар қандай битимлар тузишга ҳақлидир.

1.6 Марказ ўз мажбуриятлари бўйича қонун ҳужжатлари бўйича ундирилиши мумкин бўлган мол-мулки билан жавоб беради.

"Ўзстандарт" агентлиги Марказ мажбуриятлари бўйича жавобгар бўлмайди ва Марказ "Ўзстандарт" агентлигининг ва уни органларининг мажбуриятлари бўйича жавобгар бўлмайди.

1.7 Марказ ўз штамплари, фирма бланкалари, эмблемаси, товар белгиси ва бошқа реквизитларга, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг Давлат гербини тасвири ва Марказини лотин алифбосидаги ўзбек тилидаги номи туширилган думалоқ муҳрига эга.

1.8 Марказ молиявий операцияларни амалга ошириш учун ҳам миллий ҳам чет эл валютасида ҳар қандай молиявий-кредит муассасаларида (банкларида) мувофиқ хисоб рақамларини очади.

1.9 Марказ, унинг таъсис ҳужжатлари белгиланган тартибда рўйхатга олинган санадан бошлаб юридик шахс ҳуқуқлари ва мажбуриятларига эга бўлади.

1.10 Марказ, унинг мақсади ва вазифаларига мувофиқ бўлган фаолиятини амалга ошириш учун Ўзбекистон Республикасида ва унинг

худудидан ташқари, белгиланган тартибда филиаллар, қўшма ва кичик корхоналар ташкил этиши мумкин.

1.11 Марказни жойлашган жойи: Ўзбекистон Республикаси, 100059, Тошкент шаҳри, Чўпон-Ота кўчаси, 9^B уй.

Директор телефони: (371) 253-80-70

1.12 Марказнинг номи:

- ўзбек тилида – Shtrihli kodlash markazi davlat korxonasi;
- рус тилида – Государственное предприятие Центр штрихового кодирования (ЦШК);
- инглиз тилида – Bar coding center state enterprise.

Марказнинг белгиланиши - ShKM

II Марказни асосий вазифалари ва функциялари

2.1 Штрихли кодлаш марказини ташкил этишнинг асосий вазифалари куйидагилардир:

- товарларни маркалашнинг замонавий технологияси асосида Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилаётган товарларни штрихли кодлаш тизимини жорий этиш, ишлаш ва такомиллаштиришни таъминлаш;
- Ўзбекистон Республикасида штрихли кодлаш бўйича ишларини ривожлантириш сиёсатини аниқлаш;
- автоматик идентификатлаштириш ва штрихли кодлаш тизимини жорий этишни ва ишлашини аниқ белгилайдиган, халқаро талабларга уйғунлаштирилган, асос бўлувчи меъёрий хужжатларни ишлаб чиқиш;
- Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқариладиган товарларни штрихли кодларининг Давлат реестрини юритиш;
- товарларни номерлаш республика тизимини яратиш ва жорий этиш.
- товарлари республика товарларни номерлаш тизими бўйича маркаланадиган тадбиркорлик фаолияти субъектларини рўйхатга олишни амалга ошириш;
- автоматик идентификатлаштириш ва штрихли кодлаш тизимини жорий этиш ва ишлашини аниқ белгиловчи меъёрий хужжатларни ишлаб чиқиш;
- штрихли кодлаш, штрихли кодлардан фойдаланиш, штрихли кодлашнинг техник воситаларини олиш ёки тайёрлаш учун контрактларни тузиш соҳасидаги меъёрий хужжатлар, ўкув-усулиятли материалларнинг даражасини экспертиза қилиш;
- товарларни штрихли кодлар билан маркаланишини бекор қилиш ва уни тўхтатиб туриш;
- Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилаётган товарларга штрихли кодлар Давлат реестрининг рўйхатга олиш номерларини бериш;
- автоматик идентификатлаштириш ва штрихли кодлаш бўйича халқаро, минтақавий, давлатлараро ташкилотларда Ўзбекистон Республикасини тақдим этиш;

III Марказнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари

3.1 Марказ қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- Ўзбекистон Республикасининг маҳкамалари, ассоциациялари, концернлари, корхоналари, ташкилотлари, илмий-техник жамиятлари билан келишилган ҳолда Марказ фаолиятининг йўналишлари бўйича масалаларни

ечиш учун мутахассисларни, шу жумладан "Ўзстандарт" агентлигининг ходимларини жалб қилиш;

- Марказга юклатилган вазифаларни амалга ошириш учун маҳкамалар, ассоциациялар, концернлар, корхоналар, ташкилотлар, илмий-техник жамиятлардан маълумотлар ва материаллар олиши;

- масъулияти чекланган жамиятлар, кичик корхоналар, хусусий фирмалар ва алоҳида жисмоний шахслар, акционерлик жамиятлари билан ишлаш;

- фуқаролар, фуқаролар гурӯҳи, жамиятлар, ижодий бирлашмалар ва ш.ў. билан бир марталик ишлар учун пудрат шартномалари, меҳнат келишувлари, бошқа шартномалар тузиш;

- Ўзбекистон Республикасининг қонун хўжжатларида белгиланган истеъмол қилиш учун ажратилган маблағлар доирасида ўз хизматчиларига қўшимча таътиллар, маҳсус иш тартиблари ва жадвалларини ва бошқа ижтимоий имтиёзларни белгилаш;

- Ўзбекистон Республикасининг қонун хўжжатларида белгиланган доираларда, маблағларнинг бир қисмини вакиллilar сарф ҳаражатларига ажратиши;

- амалдаги қонун хўжжатларига мувофиқ ташқи иқтисодий фаолиятни амалга ошириш;

- мамлакат ичида ҳам, унинг ташқарисида ҳам кўчма ва кўчмас молмulkни ижарага олиш ва ижарага бериш;

- ахборот хизматларини кўрсатиш билан бирга маълумотларнинг ахборот банкларини яратиш;

- нашриётчилик ва реклама-нашриётчилик фаолиятини бажариш;

- кўргазмалар, кўргазма-савдолар, аукционлар, конференциялар, кенгашлар, симпозиумлар, ўқишлиар, тадбиркорлик учрашувлари, кўриклар ва бошқа тадбирларни ўтказиш;

- ўз фаолиятининг барча йўналишлари бўйича хўжалик ҳисоби асосида кадрларни ўқитиш ва малакасини оширишни ўтказиш;

- хайрия ва хомийлик фаолиятини ўтказиш;

- судда даъвогар ва жавобгар бўлиши;

- чет эл мамлакатлари билан иш юзасидан ўзаро манфаатдор ҳамкорликнинг турли шаклларини ўрнатиш ва ривожлантириш;

- "ноу-хай", лицензиялар, патентлар ва бошқа интелектуал мулкни сотиш ва сотиб олишни амалга ошириш;

- Ўзбекистон республикаси қонун хўжжатларига зид бўлмаган холда фойда олиш учун молиявий ва тижорат операцияларини бажариш;

- даромад олиш учун ишлаб чиқариш ёки тижорат тузилмаларини ташкил қилиш ва уни марказнинг моддий-техника базасини ривожлантириш ҳамда марказ ходимларини рағбатлантириш учун йўналтириш.

Марказ қуидаги хизмат турларини амалга ошириш хуқуқига эга:

- этикетка, кейинчалик ўрам ва тарага босмахонада босиб тушириш учун штрихли кодларнинг оригинал макетларини тайёрлаш;

- фирманинг ёпишқоқ этикетка ва ёрликларини тайёрлаш;

- Давлат бошқаруви идораларининг топширифи бўйича ва сўровчиларнинг мурожаати бўйича этикетка, ўрам ва тарадаги штрихли кодларнинг босма сифатини текшириш;

- товарларни номерлаш тизимида маҳсулотларни таснифлаш ва кодлаш;

- штрихли кодларни қўллаш ва уларни бериш масалалари бўйича маслаҳатлар бериш ва мутахассисларни ўқитиш;

- "Ўзстандарт" агентлигининг давлат инспекторлари билан биргаликда тадбиркорлик фаолияти субъектлари томонидан штрихли кодлаш бўйича стандартлар талабларига риоя этиши устидан текширув ва назоратни амалга ошириш;
- республика товарларини номерлаш тизимини яратиш ва жорий этиш;
- Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилаётган товарларда штрихли кодларни қўлланилиши устидан инспекцион текширувни ўтказиш;
- лойиҳа-конструкторлик ишларини ўтказиш, технологиялар, лицензиялар, муаллифлик ҳуқуқларини яратиш, сотиб олиш ва уларни амалга ошириш;
- маркетингни ҳамда амалдаги қонун ҳужжатлари билан таъқиланмаган бошқа илмий, ишлаб чиқариш ва тижоратчилик фаолиятини ўтказиш.

3.2 Марказ:

- Марказга юклатилган вазифаларни ҳал қилиш бўйича фаолиятининг барча турларини юқори илмий-техникавий ва ташкилий-усулиятли даражада амалга ошириш;
- Марказнинг жавобгарлиги доирасига киритилган барча мол-мулки - асбоб-ускуналар, бинолар, қурилмалар, инженерлик коммуникациялар ва бошқаларнинг сақланиши ва нормал ишлашини таъминлаши;
- керакли маълумотларни белгиланган тартибда ҳужжатларга киритиш учун уни рўйхатга олган идорага таъсис ҳужжатларида бўлган барча ўзгаришлар ҳақида хабар бериши;
- иш жойларида гигиена ва ишлаб чиқариш санитариясининг талабларига риоя қилиши, тупроқ, сув, ҳаво ва бошқаларнинг ифлосланишини олдини олиш бўйича чоралар кўриш, электромагнит, радиацион ва бошқа нурланиш манбаларини қўллаш бўйича экологик ва санитария талабларининг бажарилишини таъминлаши;
- белгиланган тартибда бухгалтерлик ва ҳисоб-китобнинг бошқа турларини юритиш, уларнинг ишончлилигига жавобгар бўлиши, бюджетга лозим бўлган солиқларни ва тўловларни тўлаши;
- йиллик ҳисоботларни тузиш, текшириш ва тасдиқлаш тартиби, ҳамда Ҳисобот даври тугагач ваколатли органларга молиявий ҳисоботни ва рўйхатни қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа ҳужжатларни тақдим этади ҳамда Ҳужжатларнинг сақланиши ва уларнинг белгиланган тартибда давлат томонидан сақлашга берилиши учун мажбурдир.

Марказ ходимлари Марказ фаолияти ҳақидаги сир сақланадиган ахборотни ва Давлат сири ҳисобланган ахборотни ошкор қиласлиги мажбурийдир.

IV Марказ фаолиятини ташкил этиш ва унинг маблағлари

4.1 Марказ ушбу уставнинг 2-бўлимида белгиланган ўзининг илмий-тадқиқот, ташкилий-усулиятли, илмий-усулиятли, ўкув ва бошқа фаолият турларини "Ўзстандарт" агентлиги тасдиқлаган режаларга мувофиқ амалга оширади.

4.2 Марказ директори "Ўзстандарт" агентлигининг Бош директорини буйруғи билан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод қилинади.

4.3 Марказ тузилмаси "Ўзстандарт" агентлигининг бош директори билан тасдиқлади.

4.4 Марказнинг штатлар рўйхати зарурат юзасидан Марказ директори томонидан қайта кўрилади ва тасдиқланади.

4.5 Директор Марказ фаолиятига раҳбарлик қилади ва Марказга юклатилган вазифалар ва мажбуриятларни бажарилиши учун шахсан жавобгар бўлади.

4.6 Марказ ўз номидан:

- шартномалар тузиши, банк кредитидан фойдаланиши, чет эл банкларининг тижорат кредитларини жалб қилиши, амалдаги қонун хужжатлари билан рухсат этилган ташқи иқтисодий фаолиятни амалга ошириши, ўз ваколати доирасида Ўзбекистон Республикасида ҳам, унинг ташқарисида ҳам ҳар қандай турдаги (ташқи савдо, кредит, вексел, тижорат) битимларини ҳамда Ўзбекистоннинг юридик шахслари ва чет эл шериклари билан, шунингдек алоҳида фуқаролар (жисмоний шахслар) билан ўзга юридик актлар тузиши мумкин;

- қимматли қофозлар бозорида чиқиши;

- Ўзбекистонда ҳам, унинг ташқарисида ҳам, шу жумладан чет эл шериклари билан ҳам қўшма корхоналар тузиши мумкин.

4.7 Марказ ёш мутахассисларга усулиятли ёрдам беради, илмий-тадқиқот ва лойиҳа ишларининг натижаларини чоп этади.

4.8 Марказ фаолиятининг хўжалик шартномалари ҳисобидан миллий ва эркин айрибошланадиган валютада олинадиган маблағлар бюджетдан молиялаш бўйича ажратилоадиган мақсадга йўналтирилган маблағлар, ишлаб чиқариш ва ижтимоий ривожланишнинг аниқ муаммолари ва дастурларини маблаг билан таъминлаш учун "Ўзстандарт" агентлиги томонидан ажратиладиган маблағлар; банк-кредитлари; хомийлардан олинадиган маблағлар, ушбу йўналишни ривожлантириш учун халқаро ва республика ташкилотларидан олинадиган маблағлар ҳамда қонун хужжатлари билан таъқиқланмаган ўзга фаолият турларидан олинадиган маблағлар Марказ даромадларининг манбаи ҳисобланади.

4.9 Марказ ўз ихтиёрида қоладиган соф фойда ҳисобига муассис томонидан тасдиқланадиган миқдорларда захира фонди ва бошқа фондларни ташкил этиши мумкин.

V Ўзаро ҳамкорлик

5.1 Ўз фаолиятини амалга оширишда Марказ "Ўзстандарт" агентлигининг барча таркибий бўлинмалари, давлат бошқаруви идоралари, хўжалик бирлашмалари, корхоналар ва ташкилотлар, жамоа ташкилотлари билан ўзаро ҳамкорлик қилади.

5.2 Марказ автоматик идентификатлаштириш ва штрихли кодлаш масалалари бўйича чет эл мамлакатларининг марказлари билан ўзаро ҳамкорлик қилади.

VI Фаолиятини тўхтатиш

6.1 Марказни қайта ташкил қилиш ва уни тутатиш Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун хужжатларига мувофиқ амалга оширилади.


Аввал Яккасарой туман Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш Инспекциясининг 2009 йил 19 майдаги 11-000584 сон реестр рақами билан рўйхатга олинган «Shtrihli kodlash markazi» davlat korxonasining

Н зомига киритилаётган ўзгартиришлар

РЎЙХАТИ:

Низомнинг 1 моддаси 1.11 банди кўйидагича янги таҳрирда рўйхатта олинсин:

ЭСКИ ТАҲРИР	ЯНГИ ТАҲРИР
1.11 Марқазни жойлашган жойи: Ўзбекистон Республикаси, 100059, Тошкент шаҳри, Чўпон-Ота кўчаси, 9B уй. Директор телефони: (371)253-80-70	1.11 Мағказни жойлашган жойи: 100049, „ , , 333 Директор телефони: 150-27-17


 Аввал Яккасарой туман Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш Инспекциясининг 2009 йил 19 майдаги 11-000584 сон реестр раками билан рўйхатга олинган «Shtrihli kodlash markazi» давлат корхонасиning Низомига киритилаётган ўзгартеришлар

РЎЙХАТИ:

Низомнинг 1 моддаси 1.11 банди, 2 моддаси 2.1 банди, 4 моддаси 4.2 ва 5 моддаси 5.1 банди кўйидаги янги таҳрирда рўйхатга олинсин:

ЭСКИ ТАҲРИР	ЯНГИ ТАҲРИР
1.11 Марказни жойлашган жойи: Ўзбекистон Республикаси, 100059, Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Богибўстон кўчаси, 208 уй. Директор телефоны: (371) 253-80-70	1.11 Марказни жойлашган жойи: Ўзбекистон Республикаси, 100049, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Форобий кўчаси, 333 А уй. Директор телефоны: (371) 150-27-16
2.1 Штрихли кодлаш марказини ташкил этишнинг асосий вазифалари куйидагилардир: <ul style="list-style-type: none"> - товарларини маркалашнинг замонавий технологияси асосида Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилаётган товарларини штрихли кодлаш тизимини жорий этиш, ишлаш ва такомиллаштиришни таъминлаш; - Ўзбекистон Республикасида 	2.1 Штрихли кодлаш марказини ташкил этишнинг асосий вазифалари куйидагилардир: <ul style="list-style-type: none"> - товарларини маркалашнинг замонавий технологияси асосида Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилаётган товарларини штрихли кодлаш тизимини жорий этиш, ишлаш ва такомиллаштиришни таъминлаш; - Ўзбекистон Республикасида

штрихли кодлаш бўйича ишларини ривожлантириш сиёсатини аниқлаш;	штрихли кодлаш бўйича ишларини ривожлантириш сиёсатини аниқлаш;
- автоматик идентификатлаштириш ва штрихли кодлаш тизимини жорий этишни ва ишлашини аник белгилайдиган, халқаро талабларга уйғунлаштирилган, асос бўлувчи меъёрий хужжатларини ишлаб чиқиш;	- автоматик идентификатлаштириш ва штрихли кодлаш тизимини жорий этишни ва ишлашини аник белгилайдиган, халқаро талабларга уйғунлаштирилган, асос бўлувчи меъёрий хужжатларини ишлаб чиқиш;
- Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқариладиган товарларни штрихли кодларининг Давлат реестрини юритиш;	- Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқариладиган товарларни штрихли кодларининг Давлат реестрини юритиш;
- товарларини номерлаш республика тизимини яратиш ва жорий этиш;	- товарларини номерлаш республика тизимини яратиш ва жорий этиш;
- товарлари республика товарларини номерлаш тизими бўйича маркаланадиган тадбиркорлик фаолияти субъектларини рўйхатга олишни амалга ошириш;	- товарлари республика товарларини номерлаш тизими бўйича маркаланадиган тадбиркорлик фаолияти субъектларини рўйхатга олишни амалга ошириш;
- автоматик идентификатлаштириш ва штрихли кодлаш тизимини жорий этиш ва ишлашини аник белгиловчи меъёрий хужжатларни ишлаб чиқиш;	- автоматик идентификатлаштириш ва штрихли кодлаш тизимини жорий этиш ва ишлашини аник белгиловчи меъёрий хужжатларни ишлаб чиқиш;
- штрихли кодлаш, штрихли кодларини фойдаланиш, штрихли кодлаш техник воситаларини олиш ёки тайёрлаш учун контрактларни тузиш соҳасидаги меъёрий хужжатлар, ўкув-усулиятли материалларнинг даражасини экспертиза қилиш;	- штрихли кодлаш, штрихли кодларини фойдаланиш, штрихли кодлаш техник воситаларини олиш ёки тайёрлаш учун контрактларни тузиш соҳасидаги меъёрий хужжатлар, ўкув-усулиятли материалларнинг даражасини экспертиза қилиш;
- товарларни штрихли кодлар билан маркаланишини бекор қилиш ва уни тўхтатиб туриш;	- товарларни штрихли кодлар билан маркаланишини бекор қилиш ва уни тўхтатиб туриш;
- Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилаётган товарларга штрихли	- Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилаётган товарларга штрихли

<p>кодлар Давлат реестрининг рўйхатга олиш номерларини бериш;</p> <ul style="list-style-type: none"> - автоматик идентификатлаштириш ва штрихли кодлаш бўйича халқаро, минтақавий, давлатлараро ташкилотларда Ўзбекистон Республикасини тақдим этиш; 	<p>кодлар Давлат реестрининг рўйхатга олиш номерларини бериш;</p> <ul style="list-style-type: none"> - идорада ахборотлаштириш соҳасида давлат сиёсатини ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва ривожлантириш, маълумотларни сақлаш ва уларга ишлов бериш, автоматлаштириш бўйича дастурлар мажмuinи амалга ошириш; - ахборот тизимлари ва ресурсларининг ахборот-технологиялари бўйича ўзаро муносабатларини таъминлаш, тадбиркорлик субъектлари ва аҳолига интерактив давлат хизматларини кўрсатиш, ҳамда маълумотлар базаларини яратишни таъминловчи идоранинг инфратузилмасини шакллантириш ва ривожлантириш; - идоранинг барча бўлинмаларида ахборот-коммуникация технологияларидан самарали фойдаланиш ва ривожлантириш жараёнларини меъёрий-хукукий, технологик ва ахборот-таҳлил маълумотлар билан таъминлаш; - идора расмий веб-саҳифасини такомиллаштириш ва доимий фаол ишлasingни таъминлаш; - идоравий ахборот ресурслари ва ахборот тизимларини ҳимоя қилиш
---	--

бўйича техник инфратузилмасини жорий этиш ва ривожлантириш;

- Ўзбекистон Республикаси алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси ҳамда бошқа вазирлик ва идораларнинг тегишли бўлинмалари билан ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида ўзаро муносабатларни амалга ошириш;
- идора тизимида замонавий ахборот технологияларидан, дастурий маҳсулотлардан ва маълумотларни қайта ишловчи аппарат воситаларидан, алоқа ва маълумотлар узатиш воситаларидан фойдаланиш ҳамда ахборот хавфсизлигини таъминлаш ва уларни ривожлантириш масалалари юзасидан таклифлар тайёрлаш ва идора раҳбарига тақдим этиш;
- идоранинг бизнес-режа ва ҳаражатлар сметаларида ахборот-коммуникация технологияларини, ишлаб чиқариш жараёнларини автоматлаштириш бўйича тизимларини жорий этиш ва ривожлантириш ва ходимларни малакасини ошириш бўйича алоҳида бандлар кўрсатиш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш;
- идоранинг ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш бўйича режалар ишлаб чиқиш, ўрнатилган тартибда тасдиқлаш учун тақдим этиш;

- идоранинг корпоратив тармоғини, ахборот-коммуникация технологиялари ва телекоммуникация тармоғини, дастурий-аппарат воситалари, маълумотлар алмасиш ва сақлаш воситаларини яратиш бўйича лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;
- Ўзбекистон Республикаси алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитасининг ваколати доирасида давлат бошқаруви, иқтисодиётнинг барча соҳаларига ахборот ресурслари, маълумотлар базалари, ахборот тизимлари ва интерактив давлат хизматларини жорий этиш бўйича қабул қилинган қарорлари ижросини таъминлаш;
- идоранинг веб-ресурсларини маълумотлар билан тўлдириш, тузилмасини, таркибини ва интерактив хизматларини ривожлантириш вазифаларини амалга оширишни ташкил этиш;
- Ўзбекистон Республикаси алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитасига ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва ривожлантириш бўйича дастурларнинг ижроси ўзасидан ахборот киритиб бориш;
- идоранинг фаолияти йўналишларида статистик, таҳлилий ва бошқа маълумотлар банкларини яратиш;

	- идорада ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш бўйича кадрларнинг малакасини оширишнинг ва тайёрлашнинг самарали тизимларини яратиш.
4.2 Марказ директори «Ўзстандарт» агентлигининг Бош директорини буйруғи билан лавозимига тайинланади ва лавозимдан озод қилинади.	4.2 Марказ директори «Ўзстандарт» агентлигининг Бош директорини буйруғи билан лавозимига тайинланади ва лавозимдан озод қилинади. Марказ директорининг лавозимга тайинланиши Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитасининг келишуви асосида амалга оширилади.
5.1 Ўз фаолиятини амалга оширишда Марказ «Ўзстандарт» агентлигининг барча таркибий бўлинмлари, давлат бошқарувий идоралари, хўжалик бирлашмалари, корхоналар ва ташкилотлар, жамоа ташкилотлари билан ўзаро ҳамкорлик қиласи.	5.1 Ўз фаолиятини амалга оширишда Марказ «Ўзстандарт» агентлигининг барча таркибий бўлинмлари, давлат бошқарувий идоралари, хўжалик бирлашмалари, корхоналар ва ташкилотлар, жамоа ташкилотлари билан ҳамкорлик қиласи ҳамда Ўзбекистон Республикаси алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси билан ўзаро ҳамкорликда ишлайди.

«Shtrihli kodlash markazi»
Davlat korxonasi